
Янги ҳаёт учун, янги Ўзбекистон учун

Мустақиллигимизнинг 32 йиллиги "Янги ҳаёт учун, янги Ўзбекистон учун" шиори остида нишонланмоқда. Мустақиллик шодиёналари ҳар бир хонадон, ҳар бир маҳаллага ўзгача шукуҳ улашмоқда.

Байрам арафасида туман ҳоқими Жаҳонгир Жуманов ҳамда туман Ички ишлар бўлими бошлиғи Акмал Ходжаев, мутасаддилар билан биргаликда

Фурқат тумани "Ингичка" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи кўп йиллар маҳалладаги 23 мактабда ўқувчиларга таълим берган, айти кунларда нафақада бўлган Зулфияхон Мелиқўзиева ҳамда ижтимоий кўмакка муҳтож бўлган оила вакиллари ҳолидан хабар олдилар. Меҳрга ташна қалблар хушнуд этилиб, озиқ-овқат маҳсулотлари ва байрам совғалари етказилди.

Туманимизда байрам шодиёналари, инсон қадрини улуғлашга қаратилган ана шу каби тадбир ва йўқловлар давом этмоқда.

2023-08-26 17:29:50